

ҲАҚ СЎЗНИ ИЗЛАГАН ИСҲОҚХОН ИБРАТ

Сайёра Халимова Абдурахимовна

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар

университети “Медиа назарияси ва амалиёти”

кафедраси доценти,

филология фанлари номзоди,

Тошкент, Ўзбекистон

Телефон: 97 758 77 50

Аннотация: Мазкур мақолада жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаси, ёзувчи, таржимон, публицист, ношир ва педагог, тарихшунос олим Исҳоқхон Ибротнинг публицистик мероси таҳлил етилган. Хусусан, публицистнинг “Туркистон вилоятининг газети”, “Ойна” журнали саҳифаларида чоп этилган мақола ва йўл очеркларида илгари сурилган долзарб муаммолар, илғор ғояларнинг мазмун-моҳияти ёритиб берилган.

Калит сўзлар: янги усул, очерк, жанр, саёҳат, имтиҳон, ислоҳ, уламо, мадрасалар.

Исҳоқхон Тўра Иброт- жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаси, ёзувчи, таржимон, публицист, ношир ва педагог, тарихшунос олим сифатида ўзидан бекиёс ижодий мерос қолдирган. Унинг публицистик сифатидаги ижодий фаолияти “Туркистон вилоятининг газети” ҳамда “Туркестанские ведомости” газетаси саҳифаларида чоп этилган мақола ва йўл очерклари билан бошланган. Жумладан, “История древнего города Ахсы в Ферганской области”, “Письмо в редакцию”, “Исоқхон Тўрадин туземни газетга мақола”, “Открытие Коканд-Наманской железной дорги”, “Письмо из Тюря-Кургана”, “Тошкент сафаридаги маълумотларим”, “Фарғона музофотидаги Ахсу шахрига саёҳат-уни тарихи ҳақида”, “Миллатни ким ислоҳ этар?”, “Ҳақ сўз” каби мақолалари эълон қилинган. Ахсикент шахри тарихига бағишланган мақола очерк жанрида ёзилган бўлиб, тили равон, қизиқарли тарихий фактларга бой, бадиий ифода услубида ёзилган публицистик асарлардан бири ҳисобланади. “Ахсикент Мовароуннаҳрда Фарғона доҳилида бир қасаба ўлуб, Сайхун дарёсининг шимол тарафидаги қасабаларнинг бири...Андижондин ғарб тарафига тўққиз тош йўлдир. Умар Шайх Мирзо мунӣ пойтахт қилди” [1]. Муаллиф Ахсикент ҳақида Заҳриддин Бобурнинг “Бобурнома”, шунингдек, “Тарихи Рашидия” асарларидан парчалар келтиради. Ўқувчи шахар тарихига оид жуда кўп маълумотларга эга бўлади. Муаллиф мелодий 1233-йилда Сирдарё тошқини ва зилзила туфайли Ахсикент харобага айланганлиги, бу харобалар орасидан мухташам саройлар, мадрасалар, ҳаммомлар, ерости йўллари ҳамон қад ростлаб турганлигини ўзига хос услубда ёритиб берган. Мақола “Туркистон вилоятининг газети”да 1913 йил, 23 июнь сонида чоп этилган.

Сўнгги хонлардан Худоёрхоннинг тўртинчи ўғли Ибн Яминбек Худоёрхон билан Ибротнинг яқин дўстлиги бўлган. Ибн Яминбек ҳам “Туркистон вилоятининг газети” билан ҳамкорлик қилиб турган. Унинг “Исоқхон Тўрадин туземни газетга мақола” сарлавҳали мақоласида муаллиф Қўқон, Тўрақўрғон, Чуст шахарларига қилган сафари, янги қурилган темир йўллар, обод кўчалар ҳақида ҳикоя қилади. Публицист Ибн Яминбек хонадониди бўлиб ёзган манзумаси мақола сўнггида эълон қилинган.

Бу ерда хайр-у саҳоватни қил ғарибларга,
Саҳийга ваъдаси бор, охиратда нусратдир.
Худо юборди бу дунёга имтиҳон қиладур,
Тасарруф айла они неча кунга фурсатдур[2].

Исоқхон Ибратнинг “Открытие Коканд-Наманганской железной дороги” деб номланган мақоласи 1912 йил 7 июнда Кўкон-Наманган темир йўлининг ишга туширилиши муносабати билан ёзилган. Мақолада репортаж жанрига хос унсурлар учрайди, ўқувчи воқелик билан танишар экансиз, маҳаллий аҳоли учун темир йўлларнинг ишга туширилиши катта янгилик бўлганлигини, шу баҳона кўчалар, йўллар обод бўлганлигини, вокзаллар қурилиб, иш ўринлари яратилганлиги ҳақида батафсил баён қилинган. “Поезд тўхтаган жойда Наманган тарафдин кўб зийнатлик дарвоза қилинуб, ул дарвозани гилам ва байроқлар бирлан зийнат қилинуб, “Хуш келдилар!” деган сўз ёзиб қўйилган экан”. Мақола “Туркистон вилояти газети”да 1912 йил, 15 июль сонида эълон қилинган. Публицистнинг “Тошкент сафариндаги маълумотларим” номли сафарномаси алоҳида аҳамият касб этади. У “Туркистон вилоятининг газети”да 1914 йил, 2 март сонида чоп этилган. Ибрат мақолада Тўрақўрғондан поездга ўтириб, Тошкентга боргунча кўрган- кечирганларини баён қилган. Эътиборли жиҳати, муаллиф Туркистонда рўй берган янгиликлар, замонавий кутубхоналар, электр чироқлари ўрнатилган кўчалар, мактабларни кўриб, европаликлар илм орқали шу ютуқларга эришмоқда, “Бизни халқ ҳам шояд бу илмлардин баҳра олсалар эди”,-дея орзу қилади. Исоқхон Ибрат Мунаввар қорининг таклифи билан бир неча марта Тошкентда, унинг мактабида имтиҳонларида иштирок этади. Масалан, Мунавварқори 1907 йили Исоқхон тўрага махсус таклиф хати билан мурожаат қилади: “Хурматлу Исоқхонхожи жанобларина! 1907 йил май ойиндан эътиборан Тошкентда Тарновбоши маҳалласинда “Хония” мактабинда талабаларни йиллик имтиҳонлари бошланур. Сиз ҳурматлудан рижо қилурмизки, тавобеъингизда бўлгон усули жадидия мактаблари мудирлари ила имтиҳон мажлисларина ташриф қилсангиз, муаллим ва шогирдлар сиздин мамнун бўлур эдилар. Муҳибингиз Мунавварқори. 15 март 1907 йил”[3]. Бу таклиф туфайли Исоқхон бир неча маротаба Тошкентда бўлиб, имтиҳонларда иштирок этади. Ва унинг “усули жадид” ва “усули қадим” мактабларига бағишланган туркум мақолалари “Туркистон вилоятининг газети”да босилган. Чунончи, газетанинг 1907 йил, 72-сонида “Эски мактаблар хусусида” мақоласи чоп этилган. Унда муаллиф янги усул мактабларининг афзаллиги, эски мактабларнинг замона тараққиётидан ортда қолаётганлигини мисоллар асосида таҳлил этиб беради.: “Имтиҳонда бизни мусулмония болалари ҳам яхши, дуруст, русия забонини расо ва яхши сўзламоққа қодир бўллуб, улуғлар ҳузурларида ҳикояларни икки бола бир-бировага муқобил савол-жавоб қилишуб, яхши имтиҳон берганлари яна мани шодлантурди”[4]. Мақола сўнггида эса Исоқхон Ибрат бир неча йиллардан кейин Туркистон тараққиёти учун хисса қўша оладиган замонавий соҳа мутахассислари камолга етишига умид билдиради. Исоқхон нафақат публицист, балки ношир, муҳаррир сифатида ҳам ўз имкониятларини синаб кўрмоқчи бўлган. 1913 йилда у ўзи ташкил этган “Матбааи Исоқхон” қошида “Ал-тижор ал-Наманган” номида газета чиқаришга ҳаракат қилади, ҳукуматга ариза ҳам беради. Бу ҳақда Уфада чиқадиган, умумтуркий дунёда машҳур бўлган “Вақт» газетаси катта мамнуният билан қуйидагиларни ёзади: “Наманган мўътабариндин Исоқ қози ҳазратлари “Ал-тижор ал- Наманган” исминда бир газета

чиқарарга сўраб ариза берди. Бу зот 1908 йилда Наманганда бир матбаа очган эди. Бу йил “Кутубхонаи Исҳоқия” исминда кутубхона очиб, турк, татар, ўзбек тилларинда бўлгон адабиёт китоблари олдирди. Ҳозир газета чиқармоқ ҳаддиндадур. Чин кўнгилдан муваффақият тилаймиз”[5]. Аммо Ибратнинг бу орзуси амалга ошмайди, чор ҳукумати газета маҳаллий аҳолини сиёсий фаолликка чақиришидан чўчиб аризага имзо чекмайди. Шундан кейин ўз уйида “Кутубхонаи Исҳоқия” деб аталган катта бой кутубхона ташкил этади. Кутубхонада таълим-тарбия ва ўқитишга оид ўзбек, турк, татар, рус, форс-тожик тилларида битилган кўплаб китоблар бўлган. Жумладан, Исмоилбек Гаспринскийнинг “Хўжаи сибён”, Саидрасул Саидазизовнинг “Устоди аввал”, Мунаввар қорининг “Адиби аввал”, “Адиби соний”, Махмудхўжа Бехбудийнинг “Асбоби таълими савод”, “Китобатул-атфол” каби 50 номдан ортиқ дарслик ва қўлланмалар, таълим-тарбияга оид рисоалар жамланади.

Исҳоқхон Ибрат 1897-1924 йилларда Тўрақўрғон қозиси лавозимида ҳам фаолият кўрсатган. Айнан шу йиллар у жамиятда мавжуд иллатларни, маҳаллий ва мустамлака амалдорларнинг қабих ишларини фош этувчи кўплаб публицистик мақолалари билан матбуотда янада фаол иштирок этади.

Маълумки, чор Россияси демократик мезонлар ниқобида турли лавозимларга сайловлар ўтказар эди. 1910 йилда қозилик мансабига сайлов ўтказилади. Шу муносабат билан Исҳоқхон “Туркистон вилоятининг газети” саҳифаларида мустамлака тартибларининг асл моҳиятини фош этувчи туркум мақолалар билан чиқади. Ўғрилиқ, порахўрлик, зўравонлик билан шуғулланувчи одамларнинг қози ёки мингбоши бўлиб олишларига кенг йўл очиб берган чор ҳукумати қонун-қоидаларини қаттиқ танқид қилади. Ҳукумат халқ тақдирини қабих, қонунбузар, хоинлар кўлига топшириб қўйганлигидан афсусланади. “Положенияда 223-бобида зикр қилинган дурки, эътибори бор, етти кундан зиёда ҳибс бўлмаган, ўттиз сўмдан зиёда иштираф тўламаган, ёши йигирма бешдан паст эмас одам (қози) бўлар экан. Олим ёки оми, аҳмоқ ёки доно киши, ё шариат биладурган ва ёки низом биладурган демаган. Кўрасиз, кимларни(нг) қўлларига бу катта шариат ҳукмини топширадурлар. Фикр-андиша қиладурган киши йўк”[6]. Ибратнинг “Миллатни ким ислоҳ этар?” номли мақоласи “Ойина” журналининг 1914 йил, 12-сонида босилган. Унда публицист мамлакатда рўй бераётган маънавий таназзул сабабларини таҳлил этиш билан бирга, имом-у, уламоларни халқ орасида маърузалар қилиб, дини ислом одобидан насиҳатлар қилишга чақиради. “...халқни ахлоқу-одоби исломияси кундан-кун бузилмоқда. ...Бугун кўпайган бузуқлик ва фасодларни ислоҳи учун ваъз қилмоқ керак. Зарурияти диния ва ахлоқи исломияни аларга таълим ва танбеҳ қилмоқ керакдур”. Исҳоқхон Ибрат самарқандлик имом домла Ҳожи Абдулғаффорни халқ орасида ислом илми асосида инсоннинг одоб- ахлоқи хусусида маърузалар қилганлиги билан табриклайди. Мақолани муаллиф шундай тамомлайди. “Уламо ғайрат этканда миллат, албатта, ислоҳ топур”[7]. Исҳоқхон Ибрат рус империясининг мустабидлик сиёсатини мақолаларидагина эмас, ижтимоий руҳдаги шеърларида ҳам чуқур ифода этган. Масалан, “Қарз” радифли мусаддасида чоракор деҳқонларнинг арзимас ҳақ учун меҳнат қилиб, яна қарзга ботиб, бор бисотидан ҳам айрилиши заҳарҳанда аччиқ кулгу билан баён этилган.

Олди-ю қарз пахта учун бергумуз муни,

Деди: чиқар хаёни тарозуда бир куни.

Сарфу харожат айлади ҳеч чиқмади уни,
Пахта бўлур бу йили адо айлағум шуни.
Келди бу халқ бошига бирдан балойи қарз,
Бўлди тамом халқи жаҳон мубталойи қарз.

Туркистон ўлкасига русларнинг кириб келиши туб аҳолининг нафақат иқтисодий, ижтимоий ҳаётига, балки маънавий ҳаётига ҳам салбий иллатларни олиб кирди. Меҳмонхоналар, пивохоналар, фахшхоналар кундан-кун ортиб борарди. Миллат фидойиси “Бўлубтур” радибли ҳажвиясида мана шу ижтимоий иллатларни қаламга олган.

Алҳол муҳтасиб йўқ, бир-икки қилса ул дўқ,
Ичкуга халқ роғиб, доим фиён бўлубтур.
Маҳбуба нақшхонлар, кўзи қаро жувонлар
Гастинсаларда юруб, сарфи зиён бўлубтур.
Манзума соли таърих, бу даҳр инқилоби,
Минг икки юз тўқсон икки баён бўлубтур.

Шеър давомида муаллиф мавжуд мустамлака тузум маҳаллий аҳоли маънавиятига салбий таъсир этаётганлигини, савдогарларнинг қаллоблигини, одамлардан инсоф ва диёнат кўтарилганлигини очиқ танқид қилади:

Қассоб, қўйфурушлар, жангу жадал урушлар,
Бечоралар фулига гўш(т) устихон бўлубтур.
Новвойда йўқдур инсоф, андин ўтадур аллоф,
Кўр, чакса ун хаамири қирқ икки нон бўлубтур.

Исҳоқхон Ибрат қайси жанрда ижод қилмасин халқ тақдири, унинг мушкулотини енгиллатиш орзуси билан яшади. Шу нуқтаи назардан, унинг “Тарихи чопхона”, “Маданият ҳақида маснавий”, “Газета хусусида”, “Туркистон аҳдиға хитоб”, “Табрик Намангондин”, “Қалам”, “Тарихи манзумаи вагон Ибратдин ёдгор”, “Муҳаммаси Ибрат” каби шеърлари диққатга сазовор. “Шоир бу шеърларида мамлакатни, халқни асрий қоқоқликка судровчи мутаассибларни, қадимчиларни кескин фош этди. Ибрат меҳнаткаш халқ бошидаги оғир ҳаёт, қашшоқлик, мамлакатнинг қоқоқликда, халқнинг нодонликда қолганининг сабабларини аниқлашга, ундан қутқариш йўллари топишга ҳаракат қилди”[8]. Жадид маърифатпарвари “Газетдур жаҳон аҳлига бир лисон”, “Табрик Намангондин”, “Манзума Ибратдин” каби шеърларида газета ўқимаганларни ўлганлар ёки ухлаганлар билан баробар ҳисоблайди, шу билан бирга, газетани жаҳон халқлари учун “бир лисон” деб атайди. Исҳоқхон Ибрат умри давомида ҳар бир воқеа-ҳодисага халқи, Ватани манфаатлари нуқтаи назардан туриб муносабатда бўлди, келажак авлоднинг тараққий этган миллатлар қаторида эркин, мустақил, фаровон ҳаёт кечиршини орзу қилди. Унинг “Луғати ситта-алсина” (“Олти тилли луғат”), “Жомеъ ул-хутут”(Ёзувлар мажмуаси), 30 йиллик поэтик ижодининг мажмуий

бўлмиш “Девони Ибрат” шеърлар тўпламини, тарихшуносликка оид “Тарихи Фарғона”, “Тарихи маданият” ва “Мезон уз-замон” илмий асарлари, “Туркистон вилояти газети”, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона” газеталарида чоп этилган публицистик мақолалари халқимизнинг бебаҳо маънавий мероси ҳисобланади. Шундай ноёб истеъдод соҳиби умрининг сўнгги йилларида большевик ҳукумати томонидан “советга қарши тарғибот”да айбланиб, 1937 йилнинг апрель ойида 75 ёшида Андижон турмасида вафот этади. Яна бир Ватан фидойиси мустабид тузумнинг қурбони бўлган. Аммо Исҳоқхон Ибратнинг мазмунли ва шарафли ҳаёт йўли, бой ижодий мероси ёшларимиз учун намуна мактаби, бебаҳо маънавий хазина ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Исҳоқхон Ибрат. Жаҳид адабиёти намояндалари. -Т:Забаржад медиа.2022.-Б.150.
2. Исҳоқхон Ибрат. Жаҳид адабиёти намояндалари. -Т:Забаржад медиа.2022.-Б.150.
3. Исҳоқхон Ибрат. Жаҳид адабиёти намояндалари. -Т:Забаржад медиа.2022.-Б.160.
4. Исҳоқхон тўра Ибрат. Миллатни ким ислоҳ этар?. Т.: Ёшлар матбуоти.2024.-Б.47.
5. Вақт” газетаси, 1913 йил, 37-сон.
6. Долимов У. Исҳоқхон тўра ибн Жунайдуллоҳ хўжа. Мезон ул- замон.-Тошкент – Токио. 2001.
7. “Туркистон вилоятининг газети”, 1914 йил, 48-сон.
8. Долимов У. Исҳоқхон тўра ибн Жунайдуллоҳ хўжа. Мезон ул- замон.-Тошкент – Токио. 2001.